

Ислон ҳамма одамларнинг динидир (биринчи мақола)



16:05 / 25.03.2020 3591

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳаралари ҳақидаги келтирилган маълумотларнинг ниҳоясида нима учун у зотнинг хотинлари кўп бўлганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоғимиз лозим бўлади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари кўп бўлганининг ҳикматлари ҳақида гапиришдан олдин эса Ислондаги кўпхотинликка умумий рухсатнинг ҳикматлари ҳақида сўзлаб ўтмоқ даркор.

Қадимги вақтда Ислон душманлари «Бир эркакка тўрт хотин кифоя қилади» деган ҳукм учун «Бу жуда оз-ку!» деб тухмат тошини отишган эди. «Бир кишига тўрттадан ортиқ аёлга уйланишни ман қилиш – жабр ва зулм. Ҳар ким хоҳлаганича сондаги аёлларга уйланиш имконига эга

бўлиши керак», деб дод солишган, яна оғизларига нима келса, шуни айтиб, вайсашган эди.

Ҳозирги вақтда эса Ислом душманлари «Бир эркакка тўрт хотин кифоя қилади» деган ҳукм учун «Бу жуда кўп-ку!» деб тухмат тошини отишмоқда. Ислом душманлари Исломда кўпхотинликка рухсат берилганини шунчалар кўп танқид қилганларки, ҳатто дунёда кўпчилик Ислом деганда тўртта хотинга уйланишни тушуниб қолган. Баъзилар Ислом ҳақида ҳеч нарса билмаслиги мумкин, аммо Исломда тўртта хотинга уйланишга рухсат берилганини жуда яхши билишади.

Агар Ислом душманларининг бу масаладаги шовқин-суронига эътибор берилмайдиган бўлса, худди Ислом фақат шу масаладан иборатга ўхшаб қолади. Улар Исломдан сўз очилиши билан тўртхотинлик масаласига ёпишиб олишади. Гўёки Ислом шариати мусулмон эркакларга тўрттадан хотин олишни фарз қилиб қўйгандек!

Бу ҳолат асрлар давомида душманлар томонидан Исломга қарши олиб борилган ташвиқотларнинг самарасидир. Бу тарғиботлар ҳатто ўзини мусулмон санаб юрган баъзи жоҳилларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Шунинг учун ушбу масалада батафсилроқ сўз юритиш маъқул кўринди.

1. Кўпхотинлик фақат Исломга хос эмас.

Бу иш дунёнинг ҳамма халқларида, ҳамма тузумларида бўлиб келган. Баъзиларида ҳозир ҳам бор.

Африқонинг баъзи минтақаларида хотини нечта эканини билмай, санаб охирига ета олмайдиган қабила бошлиқлари борлиги сир эмас. Айни пайтда, насроний дини канийсаси Африқода истисно тариқасида кўп хотинга уйланишга рухсат бергани ҳам сир эмас. Маълум бўлишича, биттадан ортиқ хотинга уйланиш ман қилингани уларга ўз динини тарқатишда ҳалал бераётган экан.

Нима учун қадимдан бўлиб келаётган, ҳозирда ҳам бор масала учун фақат Исломни айблаш керак?!

2. Ислом кўпхотинликни янгидан чиқарган эмас, балки мавжуд тартибсиз, чегарасиз, зулм ва жабрдан иборат, хотинларнинг ҳеч бир ҳаққини риоя қилмайдиган ҳукмни тартибга солган, чегаралаган, адолатли бўлишини, хотинларнинг барча ҳақларига риоя қилинишини йўлга қўйган, холос.

Биринчидан, Ислом хотинлар сонининг тўрттадан ошмаслигини қатъиян тайин қилган. Тўрттадан ортиқ хотини борларга амр этиб, ортиқчаларига жавоб беришни йўлга қўйган.

Биттадан ортиқ хотин олиш учун эса хотинлар ўртасида адолатли бўлишни шарт қилиб қўйган. Кўп хотинли эр хотинларига нафақа, турар жой, муомала ва бирга ётишни бир хилда таъмин қилишни шарт қилган. Агар шу шарт вужудга келмаса, биттадан ортиққа уйланиш маслаҳат берилмайди.

Аллоҳ таоло:

«Агар адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, биттани (олинг)», деган («Нисо» сураси, 3-оят).

Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Насайй ва Ибн Можалар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг иккита хотини бўлса-ю, улардан фақат биттасига майл кўрсатса, қиёмат куни бир ёнбоши мойил бўлган ҳолида келур», деганлар.

3. Ислом оламшумул диндир. У ҳамма маконлар, ҳамма замонлар ва ҳамма одамларнинг динидир. Шунинг учун ҳамманинг эҳтиёжини, ҳамманинг табиати ва талабларини эътиборга олган. Ислом битта хотинни зўрға эплайдиган мижози суст шимолликларнинг ҳам, битта хотин билан сабр қила олмайдиган мижози кучли жанубликларнинг ҳам динидир.

Бугунги кунда Исломдаги кўпхотинликка мижози суст, бир хотинни ҳам эплай олмайдиган кишиларнинг қарши чиқаётганлиги ҳам шуни кўрсатади. Улар қўрқмасалар ҳам бўлаверади. Ислом уларни кўп хотин олишга мажбур қилмайди.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан